Asar 3-qism. [Zulmat ostonasidagi muhabbat]



**Порт-Анжелес.**
**Жессика машинани дадамдан кура тезрок хайдар экан,соат туртларда Порт-Анжелесга етиб келдик. Кизлар йул буйи гурухимиздаги йигитларни гийбат килиб кетишди. Анжеланинг тилидан Майк тушмасди. Мен эса Майкни ишончли кулларга топширганимдан хурсанд эдим. Анжела ва Жессика шахарни яхши билишаркан,адашмай курфаз якинидаги дуконни топиб боришди. Кизлар менинг сира хам балларга катнашмаганимга ишонгилари келмасди.**
**- Нахотки,йигитинг булмаган булса? Энди-чи? Энди нега учрашувга чикмаяпсан?-кизикди Жессика.**
**- Хеч ким чакирмаяпти,-тугрисини айтдим. Лекин дугонамни алдаш кийин.**
**- Алдама. Таклиф этишди,лекин узинг рози булмадинг.**
**- Тайлердан бошкасига,-секингина гап кушди Анжела.**
**- Бу нима деганинг?-шошиб сурадим.**
**- Тайлер хаммага битирув окшомига сен б.н боришини айтиб юрибди-ку.**
**- Тайлер шунака дедими?-жахлим чикди.**
**- Шунинг учун хам Лорен сени ёктирмайди,-кикирлади Жессика.**
**Кизлар 4-5 тадан куйлакларни олиб,кийиб курадиган хонага кириб кетишди. Ойна ёнидаги креслога жойлашиб асабимни босишга уриндим.**
**- Анжела,-дедим Жессика йуклигидан фойдаланиб. - Калленлар тез-тез дарс колдиришадими?**
**- Ха. Хаво яхши кунлар улар оилавий саёхатга чикишади.**
**Анжела куп савол бермас,шу сабаб жавоби хам киска эди. Агар шу саволни Жессикага берганимда борми! Бошка нарсаларни аниклашнинг иложи булмади, чунки Жессика кайтди. Италия ресторанида овкатланмокчи эдик,лекин харидимиз тез тугагани учун кизлар киргок буйини айланмокчи булишди. Мен эса китоб дуконига кириб чикишга карор килдим. Бир соатдан кейин ресторан ёнида учрашишга келишдик. Мен Жессика курсатган томондаги китоб дуконига йул олдим. Лекин у ерда турли хил диний китоблар,таомномалар ва яна аллакандай маслахатли китоблар бор эди. Нахотки,бутун бошли шахарда бирорта хам тузукрок китоб дукони булмаса. Секин кучаларни айлана бошладим. Назаримда марказга караб харакатланяпман. Атрофга унчалик алангламадим. Чунки кайтишда йулни осонгина топишимга ишонардим. Иложи борича,Эдвард ва уларнинг оиласи хакида эшитганларимни уйламасликка уринардим. Лекин йулда кумушранг " вольво" машиналар учраб хаёлимни бузарди. Жин ургур вампир,уни деб эсдан огяпман! Юравериб ,марказга тескари томонга кетаётганимни тушундим.Энди кучадаги дуконлар урнини омборхоналар эгаллай бошлади. Тескари йулдан кетяпман шекилли. Машиналарнинг хаммаси шимол томонга йуналяпти. Шундан кейин шарк томонга бурилдим. Шу куча курфазга олиб чикса керак. Рупарамда пайдо булган турт йигитга кузим тушди. Улар сайёхларга хам,офис ходимларига хам ухшамасди. Дайдиликлари билиниб турарди. Бир-бирларини туртиб,баланд овозда кулаётган йигитларнинг ёнидан деворга капишгудек утиб,кейин кадамимни тезлатдим.**
**- Хой,менга кара,-кичкирди улардан бири ортимдан. Беихтиёр угирилдим. Йигитлар мени турт**

томондан ураб олишди. Рупарамдаги искиртрок кийингани якинрок келиб,салом деди. Узимни бурчакка урдим. Ортимдан купол кулги эшитилди.
" Тухта",деб кичкирди улардан бири. Мен кадамимни тезлатдим. Коронгуда эшиклари кулф осилган омборхоналар орасидан шошиб борарканман,ПОРТ-анжелеснинг сайёхларга курсатилмайдиган кучаларига келиб колганимни тушундим. Курткам машинада колгани учун жунжикиб,кулларимни ковуштириб олдим. Кучада биздан бошка хеч ким куринмасди. Борган сари коронгулашиб бораётган кучага кайрилиб ортимдаги йигитлар б.н орамиз якинлашиб бораётганини курдим. Асабларим какшаганидан титраб кадамимни тезлатдим. Газ баллонча хам машинада колибди.
Кутилмаганда миямга бир фикр келди. Сумкамни ерга ташлаб кейин кочиб кетсам-чи? Лекин назаримда бу йигитларга пул керак эмас. Бутун танам кулокка айланди. Йигитлар узларини жуда босик тутишарди. Балки мени таъкиб этишмаётгандир.
Югургудек булиб унгга кайрилдим. Улар хам изимдан колишмади. Югуришни мулжалладим,аммо ортимдагилар хар дакикада етиб олишлари мумкин. Энди тезрок уй бурилишидаги чоррахага етиб олсам булгани. Рупарамдаги вайрона уй ёнидан кайрилгач,котиб колдим... Куча бетон девор б.н беркитилганди! Боши берк куча. Узок-узоклардан чироклари порлаб,машиналар гизиллаб утиб-кайтиб туришибди. Лекин мен у ерга ета олмайман,чунки йиртик жинсили йигит совук тиржайганча йулимда турарди. Оёкларим ерга ёпишиб колгандек гуё. Мени таъкиб килишмабди,аксинча копконга туширишибди! Бир лахзага тухтадим,кейин кескин кайрилиб кучанинг нариги бетига караб югурдим. Кадам товушлари якинрокдан эшитила бошлади. Агар овозим борича кичкирсам биров эшитармикан? Йигитлар секин-секин мен томон бостириб кела бошлашди.
- Якинлашма!-куркувдан овозим титраб чикди.
- Кайсарлик килма,кизгина,-хиринглади бакуввати. Огайнилари совук тиржайишди. Химоя йулларини уйлай бошладим. Шунчаки таслим булмайман! Узингни кулга ол!
Бирининг буйнига мушт туширсам,бошкасининг юзини юмдалаб ташлайман! Каттикрок кичкириш учун нафасимни ростладим. Кутилмаганда осмондан тушгандек пайдо булган машина чирокларидан кузларим камашиб кетди. Катта тезликда кайрилган машина бакувват йигитни уриб юборишига сал колди. Мен ёрдам сураш учун машина томонга югурдим. Лекин кумушранг "вольво" машинасининг узи ёнгинамда каттик тормоз бериб тухтади ва мен томондаги эшиги шарт очилди!
- Утир! -буюрди газабланган товуш.Кизик,олдинги уриндикка жойлашиб ,эшикни ёпишим б.н куркувим тумандек таркади. Йук,хотиржамлик унинг товушини эшитган захотим аъзои баданимни эгаллаганди. Шиналар чийиллаб,машина йигитларни турт томонга тиракайлатиб оркага кайрилди ва шиддат б.н курфаз томонга отилди.
- Камарни так!-буюрди Эдвард. Мен сузсиз бажардим. Биз йул белгиларига ахамият бермай,олдинга караб учиб борардик.
Узимни шунчалик хотиржам хис килардимки,каёкка кетаётганимиз хакида уйлашни хам истамасдим. Унга караб анча узимни босдим у, лекин жахлдан бузариб кетганидан бир оз чучидим.
- Жахлинг чикяптими?-сурадим секингина.
-Йук,-деди у газаб б.н.
Машина туйкус тухтамагунча унга тикилиб колганимни сезмабман. Атрофга аланглаб куюк дарахтзор орасида турганимизни тушундим.
-Белла,-деди у газабдан узини зурга босиб.
- Ха,-дедим секингина. - Ахволинг яхшими?
У хамон мен томонга карамасди.
- Илтимос,бирор нималарни гапир,мен тинчланмагунча гапиравер...-шундай дея кузларини юмганча бошини уриндикка ташлади.
- Нима десам экан...-тилимга тузукрок гап келмай тутилдим.- Эртага Тайлернинг " Ниссан" машинасини уриб,пачогини чикармокчиман.
- Нима?!-тушунмади у.
- У хаммага битирув окшомига мен б.н боришини гапириб юрганмиш. Машинасини туртиб куйсам,балким мени тинч куяр. Шунда Лореннинг хам кунгли жойига тушади...
- Тайлернинг гапини эшитдим,- Эдварднинг овози энди бир оз хотиржам эшитилди.
- Каердан эшитдинг?- энди менинг жахлим чика бошлади.
Эдвард огир хурсинди.
- Хохласанг,мени уришишинг мумкин.
- Нега энди сени уришишим керак,-деди у мен томонга карашни хам эп курмай.

-Билмадим,енгил тортармидинг....
Миямда саволларим гужгон уйнарди-ю,лекин Эдвард тинчлангунча сабр килишим керак.
- Хуш,нега сенга бакиришим керак экан? Ёки яна пичинг киляпсанми?
- Дугоналаримдан айрилмаслигим,каёкка кетаётганимни уйлашим керак эди. Бундан ташкари,газ баллончани ёнимда олиб юришим лозим эди.
- Туппа-тугри!-Нихоят Эдвард мен
мен томонга каради. Кузлари хотиржам бокарди. Тук асал рангидаги кузлари янада ёркинлашгандек туюлди.- Лекин сендан жахлим чикмаяпти.
- Унда нима гап?

- Баъзида шунака жахлим кузиб туради,- Эдвард ойнага карaди. - Аммо хатто,шу хам мени ...ов килишга мажбур эта олмайди. ..- У уз газаби б.н курашиб яна тескари угирилди.- Хар холда шунга узимни ишонтиргим келади.
- Ха,-дедим мен урни булмаса-да. Орага сукунат чукди. Соат етти ярим булганига кузим тушиб,узимга келдим:
- Анжела б.н Жессика хавотир олишади,кайтишимиз керак.Эдвард бир суз демай моторни ут олдирди ва оркага шахарга караб машинасини учириб кетди.
Санокли сонияларда курфазга етиб келдик. Мени кута-кута ресторандан чикиб келаётган дугоналаримга кузим тушди.
Огиз очишга улгурмасимдан Эдвард машинадан тушди.
- Сен каёкка?-хайрон булдим.
- Сени кечки овкатга таклиф киламан,-жилмайди у. Мен хам шошиб тушдим.
- Кизларни тухтат,-буюрди.
- Жесс! Анжела!-кичкирдим мен кул силтаб.
Кизлар мен томонга югуришди. Ёнимда ким турганини кургач эса хайронликдан котиб колишди ва биздан ярим метрча масофада такка тухташди.
- Каерда эдинг?-хужумга утди узига келган Жессика.
-Адашиб колдим,-иккиланиб жавоб бердим мен. - Кейин Эдвардни учратиб колдим.
- Сизларга кушилсам майлими?-бахмалдек майин овозда хушомадгуйлик килди Эдвард.
Дугоналаримнинг анкайиб туришига караб улар илгари Эдварднинг хуснига махлиё булишмаганини тушундим.
- Албатта,-мингирлади Жессика.
- Умуман олганда,биз овкатландик,кечир,Белла,-тезда тугрилади Анжела.
- Хечкиси йук,корним тук.
- Менимча,овкатланиб олишинг керак,-деди Эдвард амирона. Кейин Жессикага угирилиб :- Рухсат берсанг ,Беллани узим уйига обориб куяман. Ушанда сизлар хам кутиб колмайсизлар,- деди.
Шундай килганимиз яхши,дейишди кизлар тутила-тутила.
Хозир узим хам хаётимни бир неча бор саклаб колган одам б.н ёлгиз колишни истардим. Эдвардга саволларим куп эди,уларни кизлар ёнида бериб булмасди.
-Майли,-биринчи булиб тилга кирди хушмуомала Анжела. - Эртага куришамиз. - У Жессикани кулидан судрагудек булиб машина томон юрди. Кизларнинг машинаси куздан йуколгач, Эдвардга угирилдим.
- Ростдан хам овкат егим келмаяпти,-дедим юзига диккат б.н термуларканман.
- Мен учун бир илтифот киларсан,-деди у такаллуфсиз ва ресторан эшигини очди. Мен хам буйсуниб,ичкари кирдим. Мижозлар кам эди. Узига караган,чиройли официант киз Эдвардга очикчасига кизикиб тикилди. Бу менга ёкмади. Чунки бу итальян киз мендан кура кузга якин ва куркамрок эди.
- Икки кишилик стол керакми?-ширин шивирларди у Эдвардга иложи борича якинрок туриб. Менга бир назар ташлаб,хуснда бетакрор эмаслигимни куриб тинчланди. Колаверса,биз севишганларга ухшаб кул ушлашиб олмагандик. У бизни ресторан бурчагидаги четрок жойга олиб борди.
- Майли,жойлашинглар,-деди у умид б.н яна Эдвардга тикилиб. Эдварддан курук илтифотдан булак хеч кандай садо булмагач,нари кетди.
- Одамларга бундай муносабатда булишинг яхшимас,-койидим Эдвардни.
- Кандай?-тушунмади у.
- Одамларнинг кузини камаштириб,узингга махлиё этишингни айтяпман. Шурлик кизнинг сенга ишки тушди,шекилли.
Эдвард хижолат булди.
- Узингни билмаганга олма! Одамларда кандай таассурот уйготишингни билмайсанми?
- Мен одамларнинг кузини камаштираманми?
- Албатта! Хамманинг хам сенга ухшаб барча нияти амалга ошавермайди.
- Сени хам узимга махлиё этганманми?-кузларимга жилмайиб тикилганча сурaди у.
- Баъзида...-тан олдим кузига карамасликка уриниб.
Шу махал менюни кутарган официант киз яна ёнимизда пайдо булди. У чиройли мижоз хакида дугоналарига айтиб улгурганди. Коп-кора сочларини силтаганча," Хизматлар борми?" дея Эдвардга ишва б.н жилмайди. Мен томонга эса караб хам куймади. Эдвард савол назари б.н менга карaди.
- Кола,-дедим мен ютокиб кетганимни хис килиб.
- Унда иккита кола.
Бир дакика,деди киз ширин табассум б.н . Лекин Эдвард унга эътибор бермади.
Официант кетгач,у мендан узимни кандай хис килаётганимни сурaди:
- Хар кандай киз куркиб кетарди бу ахволда.
- Мен тез-тез бундай холатларга тушиб тураман.
Официант киз тезда ичимликларни олиб келди ва:
- Буюртма берасизларми?-деб сурaди менга тескари угирилиб.
- Белла,нима ейсан?-сурaди Эдвард.
Киз истамай менга угирилди.
- Кузикоринли равиоли,-биринчи турган таомни буюрдим.

- Сизга-чи?
- Рахмат,менинг корним тук,-деди Эдвард мулойимлик б.н.
- Агар фикрингиздан кайтсангиз,чакиринг,-деди у нозланиб. Эдвард хатто угирилиб карамади хам. Киз аразлагандек лабларини чуччайтириб нари кетди.
- Колангни ич,-буюрди Эдвард мендан кузини узмай.
Шундагина чанкаб кетганимни хис килиб стаканни бушатдим.Куркиб кетгансан,яна ич,-деб у узиникини хам ёнимга сурди. Иккинчи стаканни хам бушатиб,ичим музлаб кетганини сездим.
-Совкотдингми?-суради у гамхурлик б.н.- Куртканг кани?
- Жессиканинг машинасида колиб кетибди.
У пиджакини ечиб,менга узатди.
Кийим худди совукда колгандек муздек эди. Пиджакдан таралаётган ифордан бошим айланиб кетди. Мен бу кандай хидлигини фарклаш учун чукуррок нафас олдим. Бу атирнинг хиди эмасди.
- Арвохдек рангпарлик сенга ярашаркан,-кулди у.
- Хеч нимадан куркканим йук.
- Бекор киласан. Хар кандай киз куркиб кетган буларди. Сен эса...
- Сен ёнимда булсанг, хотиржам буламан.
У ковогини уйди.
- Хаммаси мен уйлагандан хам ёмон шекилли.
- Кузларингнинг ранги ёркин булса ,кайфиятинг яхши булади,-дедим мен унинг ёмон хаёлларини хайдаш учун.
- Нима?!-ажабланиб кайта суради у.
- Кузларинг кора ранг булса,сенга якинлашмаган маъкул. Буям бир тахмин-да... Навбатдагисими?-кузлари кисилди. - Умид киламанки,бу гал тузукрок нарса уйлаб топгандирсан. Аввалгидек хажвиялар тукимассан. - У хазил килаётган булса-да,кузлари жиддий бокарди.
- Йук,бу галги маълумотларим бошка манбадан,-истамайгина тан олдим.
- Каердан экан,билсам буладими?
- Йулда айтиб бераман. Агар,албатта...-тутилдим мен.
- Шартларинг хам борми?
- Саволларим бор.
Мен тилим куриб бораётганини хис килиб яна стаканга ёпишдим.
- Порт-Анжелесга нега келгандинг?
У кулларини ковуштириб столга суянди. Кейин кузларида ним табассум жилваланиб буюрди:
- Кейинги савол!
- Жавоб бермадинг-ку.
-Кейингисига ут.
Давом эттиргим келмай овкат ейишга тутиндим.
-Майли,-дедим бир оздан кейин. - Айтайлик,кимдир бировларнинг фикрини укий олади. Баъзиларни хисобга олмаганда,албатта.
- Факат бир кишиникини укий олмайди,-тугрилади у.
- Майли,факат бир кишиникини дейлик,-дедим гапимга кушилганидан хурсанд булиб.- Нега ва бу истиснонинг сабаби нимада? Уша кимдир бошка бировни керакли пайтда ва зарур булганда кандай топиб олади?
- Тахминанми?
- Йук,ростдан...
- Айтайлик,уша кимдир...Кел, уША кимнидир Жо деб атаймиз.
- Майли.
- Уша Жо диккат-эътиборли ва хар ишга улгуради. Бундай кичик шахарчада факат сен бирор фалокатга учрашинг мумкин. Форкснинг ун йиллик жиноий ишлар статистикасини барбод килдинг,-кулди у.
- Шахсиятга тегмасдан гаплашсак буладими?-жахлим чикди. - Менинг шу ердалигимни каердан билдинг?-сурадим мен стол оша у томонга якинлашиб.
У менга хакикатни айтишга иккилангандек тутилди.
- Менга ишонсанг булади,-шивирладим.
- Бошка иложим
хам йук. Мен адашибман,сен анча эътиборли экансан.
- Мен эса сен хеч качон адашмайсан деб уйлагандим.
- Илгари адашмасдим. Агар ун мил диаметрда бирор фалокат булса сен хаммасини узингга магнитдек тортар экансан.
- Сен хам шу хавф-хатарга кирасанми?
- Албатта!-унинг юзи хиссиз тус олди.
Энгашиб унинг кулидан тутдим. Бармоклари муздек эди.
- Хаётимни иккинчи марта хам саклаб колганинг учун рахмат.
Чиройли юзи бироз юмшади.
- Учинчи мартаси булмасин илтимос,майлими?
-ХУП.
-Мен сени кузатиб Жессиканинг машинаси ортидан келдим,-гап бошлади у. - Илгари хеч кимни асраб колишга уринмасдим. Бу мен уйлагандан кура кийинрок экан. Хамма гап сенда

шекилли. Оддий одамларнинг хаётида нохушлик ва кутилмаган вокеалар кам булади. Сенда эса...
У мени кузатиб юрганини билиб ,хижолат булдим. Лекин,бу кунглимга ёкди.
- Яратганнинг ишларига аралашгандек булмаяпсанми? Уша куни Тайлернинг фургони остида улим топиш такдиримда ёзилган булса-чи? - уйчан сурадим мен.
- Бунга рози була олмасдим,-деди у эшитилар эшитилмас. Мен унга хайрон булиб карадим. - Мен такдирингга биринчи курган кунимдан аралашганман.
Гап менга нафрат б.н тикилган кун хакида кетарди.
- Эсингдами?-суради тунд ахволда.
- Эсимда,-хотиржам жавоб бердим.
- Демак,хозир ёнимда эканингга караганда бу нарсалар сени йулдан кайтара олмайди.
- Ха. Менинг хозир бу ерда утиришим факат сенинг шарофатинг билан! Бугун мени кандай топдинг? У саволимга жавоб беришини жуда истардим,у эса ковоклари остидан жиддий тикилиб менга кунгил очиш мумкинми йукми дегандек синовчан тикиларди.
- Сен овкатингни еявер,мен гапириб бераман. Сени кузатиш бир оз машаккат тугдиради. Аслида одамларнинг фикрини эшитаман ва уларни топишга кийналмайман,-у гапидан тухтаб менга маъноли тикилди. - Синаб куриш учун Жессиканинг миясига...кириб курдим. Лекин качон йулларинг айро тушганини билмай колдим. Дугоналарингнинг ёнида йуклигингни билиб китоб магазинига кетдим. Магазинга кирмабсан. Шундагина адашиб колганингни тушундим. Шахарни айланиб одамларнинг хаёлларини укий бошладим. Сен хакингда бирор маълумот оламанми деб умид килгандим. Хавотир олмасам хам буларди,лекин...-унинг кошлари кахр б.н чимирилди.
- Нима лекин?-шивирладим.
- Мен уларнинг фикрини укидим,-у шу гапларни айтганда худди шер паст овозда наъра тортгандек булди. - Улар сени нима килмокчи эканликларини тушундим. -Эдвард столга букчайганча куллари б.н юзини беркитди. Куркиб кетдим.
-Уларни тирик колдириш менга канчалик кийин булганини тасаввур килолмайсан...- Унинг овози ичига тушиб кетди. - Сени кизлар б.н уйга жунатсам хам буларди. Лекин бир узим колсам уларни излашга тушаманми деб куркдим...
Бутун танамни куркув эгаллади. У хайкалдек котиб турарди.
- Тузукмисан?-суради менга синовчан тикиларкан. Мен бош силкидим. - Уйга кетамизми?
- Кетамиз.
Худди гапимизни эшитиб тургандек официант ёнимизда пайдо булди.
- Мархамат килиб хисобни берсангиз,-унинг гапи бир оз кескин чикди. Кейин хисобга куз кирини ташлаб ортиги б.н тулади ва кизга угирилмасдан кайтими керакмас деди. Кейин назокат б.н менга эшикни очди. Лекин кулимдан тутмади. Жессика Майк б.н учрашув тафсилотини айтганини эслаб орзикиб хурсиндим. Яхши хамки,Эдвард фикримни укий олмайди. " Вольво" машинасига жойлашар эканман,кабинадан хам пиджакдан келган ёкимли хид келаётганини сездим. У худди раккослардек назокат б.н кадам ташлаб машинасига утирди. Машинани автострада томон учириб бораркан,у энди сенинг навбатинг,деди..
- Яна битта савол берсам майлими?- тортинибгина сурадим мен катта тезликда катта кучага чикар эканмиз. Шунча тез хайдаш шартмикан?
- Факат битта,-истамайгина рози булди у,-лекин олдин камарни такиб ол.
Дарров айтганини килдим.
- Китоб дуконига кирмаганимни каердан билдинг? Дукондаги хотиндан сурамагандирсан? Эдвард жавоб урнига йулга каттик тикилганча кетаверди.
- Очикча гаплашмокчи эдик шекилли,-жахл б.н тунгилладим саволимга жавоб ололмаганим учун.
Эдвард мийигида жилмайди.
- Майли,айтаман. Хидингни сезмадим!-деди у яна йулга кузини тикиб. Бу гапни изохлашга жуялирок сабаб тополмай,бу хакда кейин уйлайман деб куйдим. Хозир хакикатни тагига етадиган пайт эмас,тезрок саволларимни бериб олишим керак.
- Саволимга жавоб бермадинг,-эслатдим.
Вазиятнинг бундай тус олиши Эдвардга ёкмади.
- Ростданми?-негадир чукур хурсинди у.
- Одамларнинг фикрини кандай укийсан? Кандай масофада укий оласан? Кариндошларинг хам...-узимни ахмокона саволлари б.н катталарнинг жигига тегадиган боладек хис килдим.
- Умуман олганда,бу иккинчи савол булди,-эътироз билдирди Эдвард. - Кариндошларимнинг кулидан келмайди. Фикрларни якиндан укиш осонрок.
- Товуш канчалик таниш булса шунчалик узокдан укий оламан. Уртача бир неча мил доирада. Бу худди катта залда хамма бараварига гапираётганга ухшайди. Товушлар жонимга тегса,учириб куяман! Хамма катори огиздан чиккан гапларни эшитиш,одамларнинг миясидагини эшитишдан кура яхширок...
- Нега менинг хаёлларимни эшита олмайсан?
Тилларанг кузлар сирли жилва килди.
- Билмадим,-тунгиллади. - Битта мантикий жавоб - сенинг миянг бошкачарок тузилган. Радиога таккослайдиган булсак,сенинг фикринг киска тулкинда,мен эса узокка етадиган тулкинларни ушлашга кодирман.
- Мени думбул демокчисан?-жахлим чикди.

- Мен бор-йуги овозларни эшитаман дедим,сен эса уз рухий холатингдан хавотир оляпсанми? Хавотир олма,биз шунчаки мулохаза юритяпмиз-ку! Булди,энди сенинг навбатинг.
Огир хурсиндим. Нимадан бошласам экан?
- Биз очикчасига гаплашмокчи эдик,шекилли,-эслатди у.
Хаёлимни йигиш максадида машина ичига алангладим. Спидометрга кузим тушиб сапчиб тушдим.
- Эсингни едингми? Тезликни камайтир!- кичкириб юбордим куркканимдан.
- Нима булди?- чучиб тушди Эдвард хам,лекин тезликни камайтирмади.
- Соатига 160 километрда кетяпсан!-вахимада атрофга алангладим. Йулда факат югураётган чироклар кузга ташланарди. Шунчалик тез юрганимиздан йулнинг икки чеккасидаги урмон худди девордек куринарди.
- Узингни бос,Белла,-у кузларини катта-катта килди.
- Чилпарчин булишимизни истаяпсанми?
- Хеч нима булмайди!
- Каёкка шошяпсан?
- Мен доим шундай хайдайман,-истехзо уйнади лабларида.
- Йулга кара!
- Белла,мен бирор марта аварияга учрамаганман! Хатто ,жарима хам туламаганман!- мактанди Эдвард,кейин бошини курсатиб кулди:- Бу ерда радар урнатилган!
- Жуда кулгили! Айникса,мен полициячининг кизи эканлигим ва конунларни хурмат килиш рухида тарбияланганимни хисобга оладиган булсак... Колаверса,хозир "волъво"нг чалпакка айланса хам,сенга хеч нима бумайди! Бемалол урнингдан туриб йулингда давом эта оласан...
- Булиши мумкин,-уша истехзо б.н жавоб берди у. - Лекин сен ундай кила олмайсан,шунинг учун аварияга учрамаганимиз маъкул,-деди у чукур хурсиниб. Ва тезликни пасайтирди,кейин:
- Кунглинг жойига тушдими,-деб суради.
- Деярли...
- Тошбака кадам юришни ёмон кураман!
- Соатига 120 км юриш сен учун тошбака кадамми?
- Менинг юришимни мухокама килишни бас кил. Качон уз мулохазангни айтишингни кутяпман!
Мен жавоб тополмай лабимни тишлаб колганимни куриб кушимча килди:
- Кулмайман,суз бераман.Жахлинг чикишидан куркяпман.
- Хаммаси шунчалик дахшатлими?
- Шунака деса хам булади. Нимадан бошлашни билмаяпман.
- Бошидан бошла. Бу фикрга узинг келдингми?
- Йук.
- Унда каердан олдинг. Китобданми ёки фильмдан?
- Йук. Хаммаси шанба куни пляжда руй берди. Мен эски кадрдоним Жейкобни учратиб колдим. Унинг отаси Квилет кабиласи бошлиги,дадам б.н калин дуст. - Эдвард гапимга хеч кандай муносабат билдирмади. Уша куни киргокни айланганимизни айтдиму лекин Жейкобни бошини айлантирганим хакида огиз очмадим. - Жейкоб менга эски хинду афсоналари хакида гапириб берди,мени куркитмокчи булди шекилли. Биттаси менга каттик таъсир килди...- гапимни охирига етказа олмай тутилдим.
- Давом эт!
- Вампирлар хакидаги афсона...- негадир овозим пасайиб кетди. Эдварднинг юзига карашга кучим етмади,лекин куллари рулга каттикрок ёпишганини курдим.
- Хаёлингга биринчи булиб мен келдим,шундайми?-саволида бу гал истехзо сезилмади.
- Йук. У оилангни тилга олди...
Эдвард кузини йулдан олмаса- да,сукунат юрагимга гулгула солди ва шошиб Жейкобни химоя килишга тушдим:
- Жейкоб бу ривоятларни ахмокона иримчилик деб хисоблайди. У шунчаки мени куркитмокчи булган... Узим айбдорман,куркинчли вокеаларни айтиб беришга мажбур килдим уни.
- Нега?
- Чунки,Лорен менга захрини сочиш учун оиланг хакида нималардир деди... Шунда хинду болалардан бири Калленлар бизнинг худудларга кадам босолмайди деди. Бу гап менга галати туюлди. Шундан кейин Жейкобни сайрга таклиф килиб,шу афсонани ундан сугуриб олдим....- афсусландим.
Эдварднинг кулгуси мени баттар куркувга солди. Кузлар совук бокиб турганда лаблар табассум килиши мумкинми?
- Кандай сугуриб олдинг? Омбур биланми?
- Салгина ноз-карашма килгандим,хаммасини гапириб берди...- Жейкобни химоя килиш учун тугрисини айтишга мажбур булдим.
- Афсуски мен булмабман-да. Жейкоб Блэкнинг шури курирди! Яна мени одамларни бошини айлантиришда айблаганинг галатия?!
Кизариб кетганимдан ойнага угирилдим.
- Кейин нима булди?-деди Эдвард бир оз сукунатдан сунг.
- Кейин интернетдан маълумот кидирдим.
- Тахминларинг тасдикланди,шундайми?- овози хотиржам булса-да,куллари асабийлашаётганини сездириб турарди.

- Йук. Маълумотларнинг купи ёлгон экан. Кейин...
- Нима кейин?
- Кейин менга бунинг ахамияти йук деган карорга келдим.
- Ахамияти йук?!-унинг савол охангидан совуккон хотиржамлиги бузилганлиги сезилди.
Нахотки муз жойидан силжиган булса?
- Ха,-дедим мен. - Менга фарки йук!
- Менинг одам эмас,вахшийлигимнинг сенга фарки йукми?!
- Умуман фарки йук!-энди катъийрок жавоб бердим.
Эдвард жавоб урнига яна йулга куз тикди. Унинг оппок юзи яна совуккон тус олганди.
- Жахлинг чикяптими?.. Бекор айтдим.-Йук,гарчи тахминларинг хато булса-да,фикрингни билмокчиман.
- Яна нотугри тахмин килибманми?-юрагимда умид учкунлари уйгонди.
- Мен бошка нарса хакида гапиряпман! -деди у жеркиб,тишларининг орасидан сузлар гижиниб чикди. - Унга фарки йук эмиш!-хайратини яшира олмай такрорлади.
- Демак тахминим тугри,-курка- писа кайтардим.
- Сенга фарки йук эди-ку!
- Шунчаки кизикяпман.Умуман олганда мен узим учун бир карорга келдим. Факат баъзи нарсаларни билмокчиман.
- Айнан нимани билмокчисан?-итоатгуйлик б.н суради у.
-Ёшинг нечада?
- Ун еттида.
- Анча булдими ун еттига кирганингга?
- Ха,-яна унинг юзига уша истехзоли табассуми кайтди.
- Тушунарли,-дедим мен. Эдвард менга ахволинг яхшими деган маънода синчковлик б.н тикилди.
- Кулмагин-у,лекин куёшли кунда ташкарига чика олмаслигинг ростми?
Эдвард барибир кулиб юборди.
- Бекор гап!
- Демак,куёш халакит бермайди. Тобутда ухлайсанми?
- Булмаган гап. Мен умуман ухламайман!
- Йуг-эй,умуман ухламайсанми?
- Хеч качон!-шивирлади Эдвард менга уйчан тикиларкан.Тилларанг кузлар асирига айланиб нима деяётганимни хам унутдим.
- Энг асосий саволни бермадинг-ку,-деди у паришонлик б.н.
- Кайси?
- Менинг таомномам сени кизиктирмайдими?
- Ха-я,уми?
- Ха,худди узи! Ахир менинг кон ичиш-ичмаслигимни билгинг келяпти-ку?!
Сесканиб кетдим.
- Халиги...Жейкоб баъзи нарсаларни айтганди.
- Айнан нималарни?
- Сизлар одамларни... Ов килмасликларингизни. Унинг айтишича,сизларнинг оилангиз хавфли хисобланмайди,чунки сизлар факат хайвонларни овлайсизлар...
- Ростдан хам бизларни хатарли эмас дедими,-ишонкирамай суради у.
- Унчалик эмас,лекин сизлар хатарли булмасангиз хам Квилетлар уларнинг худудига кадам босмасликларингизни исташаркан.
Эдвард кузини узокларга тикди. Машина тезлиги сезиларли даража ошиб борарди,лекин эътироз билдира олмадим.
- Хуш,унинг гапи ростми? Сизлар ростдан хам одамларни овламайсизларми?-овозим бефарк чикишига харакат килдим.
- Квилетларнинг хотираси яхши,-бир туки узгармай жавоб берди Эдвард ва мен бу гапни "ха" деган маънода кабул килдим.
- Лекин бу гапга алданма,-огохлантирди у. - Дустинг тугри огохлантирибди. Биздан нарирок юрган маъкул. Биз хамон хавфлимиз!
- Тушунмадим..
- Биз хавф солмасликка харакат киламиз.Купинча бу кулимиздан келади хам. Баъзида хатолар хам булади. Масалан,хозиргидек сен б.н ёлгиз колган холларимда...
- Буни хато деб уйлайсанми?-овозим титради.
-Ха,жуда катта хато!-мулойимлик б.н таъкидлади у. Орага сукунат чукди. Ойнадан ташкарига карадим,тезликнинг суръатидан кучадаги олам худди компьютер уйинлариникидек шувиллаб утарди. Вакт хам йул манзарасидек шиддат б.н утиб борарди. Демак,бу менинг охирги имкониятим.
Жим булганига караганда Эдвард учун гап тугаганди. Йук,мен вактни бекорга сарфламайман,барча саволимга жавоб олишим керак. Кейин,нима булса булар!
- Яна бирор нималар хакида гапиргин.
Совук сукунатдан кура гапириб тургани яхши.
- Нималарни билмокчисан?-деди у эсанкираб,овозимдаги утинч кунглини ларзага солганди.
- Нега одамларни эмас... хайвонларни ов килишларингни тушунтир.
Узимни босишга канчалик харакат килмай,кузларимга ёш тулди.

- Вахший булишни истамайман,-шивирлади у.
- Лекин факат хайвонларга коникмайсан-ку,тугрими?
- Биз узимизни хазиллашиб вегетарианлар деймиз. Баъзи одамлар хам гушт урнига кукат ейишади-ку. Биз хам хайвонлар б.н коникишга узимизни мажбур киламиз. Купинча узимизни тийиш кийинлашади...
- Хозир кийинми?- охирги кучимни туплаб сурадим.
- Ха.
- Лекин хозир корнинг тук-ку!
- Бу кадар ишонч каердан?
- Кузларингдан! Корни оч эркак жахлдор булади,деб бояги фаразимда айтгандим. Колаверса,дам олиш кунлари овга чикқансан. Эммет б.н бордингми?
- Ха,-деди у бироз жимликдан сунг. - Боргим келмади,лекин боришга мажбур эдим. Такдирни синаб нима килдим?
- Нега боргинг келмади?
- Сен узокда булсанг,хавотир оламан...
Тилларанг кузларнинг мехридан эриб кетай дедим.
- Дам олиш куни узимни куйишга жой тополмадим. Бугун сог-омон колганингни узи хам бир омад.
Агар Эдвард вактида етиб келмаганида нима ахволга тушишимни уйлаб куркиб кетдим.
- Уч кун давомида сендан шунчалик хавотир олдимки,гапиравериб Эммитнинг жонига тегиб кетдим.
- Уч кун? Бугун кайтдингми?
- Йук,якшанба куни келгандим.
- Унда нега мактабга бормадинг?-сурадим жахл б.н. Уни согиниб канчалик кийналганим эсимга тушди.
- Аслида бизга куёш халакит бермайди,лекин кун порлаб турганда хеч кимнинг кузига куринмаганимиз
маъкул.
-НЕГА?
- Бирор кун узинг курарсан...
- Телефон килиб куйсанг буларди-ку,-таъна килдим. - Каердалигингни билмаганим учун... М-мен,менга...- Нима?
- Кийналдим. Мен хам хавотир олдим ахир...-кунглим тубидагиларни ошкор этганимдан уялиб кетдим.
Негадир Эдварднинг юзи огрикдан бужмайди.
- Йук!-инграды у. - Бу нотугри!
- Ниманидир нотугри айтдимми?
- Белла,нахотки тушунмасанг. Узимнинг кийналганим етмагандек,сени хам азобга куяйми?-унинг кузлари дардга тула эди. - Сени аралаштиришим жуда хавфли...
- Йук!-дедим аразлаган ёш боладек. - Кимлигингнинг менга фарки йук! Энди жуда кеч!
- Ундай дема!-шивирлади у. Мен лабимни каттикрок тишладим,зора жисмоний огрик калб огригини босса.
- Нима хакида уйлаяпсан?
Йиглаб юбормаслик учун бош чайкадим.
- Йиглаяпсанми?-хайрон булди у.
- Йук,-дедим овозим титраб.
У куз ёшимни артиш учун кулини узатди,лекин кули ярим йулда котди.
- Кечир!- овозида чукур укиниш бор эди.
- Кечирим сурама! Хозиргина хаётимни саклаб колдинг,ахир...
Иккаламиз хам жим булиб колдик.
- Бир нарса сурасам майлими?-деди у чузилиб кетган жимликдан сунг.
- Майли.
- Мен етиб борганимда нимани уйлаётгандинг? Куринишингдан хамлага тайёрланаётганга ухшардинг.
- Тугри сезибсан. Химоя усулларини миямда такрорлаётувдим...
- Нахотки? Ундан кура кочишни уйласанг булмасмиди?
- Яхши югура олмайман. Кейин чопсам...куп йикиламан.
- Гапинг тугри. Хар гал хаётингни саклаб колиб,такдирингга аралашяпман шекилли...
Эдвард тезликни пасайтирганидан кейингина Форксга якинлашиб колганимизни сездим. У б.н вакт шунчалик тез утадики,уйга етиб келганимизни хам билмай колибман. Худди сехрли тушдан сесканиб уйгонгандек булдим. Машина тухтагани б.н сира тушгим келмасди.
- Эртага мактабга боришга ваъда берасанми?
- Ваъда бераман!
Сунгги марта пиджакнинг хузурбахш хидини туйиб хидлаб,кейин истамайгина ечдим. Эдвард пиджак сенда колаколсин,совкотасан деди. Лекин дадамга нима дейман,деганимдан кейин индамади.
Истамайгина эшикка кул чуздим.
- Белла,-деди у тушишни истамаётганимни сезгандек.
Мен жавобсиз угирилдим.

- Менга бир нарсани ваъда к.ила оласанми?
- Албатта,-дедиму,лекин кейин кулимдан келмайдиган нарса сураса-чи, деб хавотир олдим.
- Хеч качон урмонга ёлгиз борма! -деди у мени хайратга солиб.
- Нега?!
- Оддий сайр,мен б.н дустлашишдан хам хавфли булиши мумкин. Гапимга ишон! -унинг овози аллакандай фалокатдан дарак бераётгандек аъзои баданимга чумоли урмалади.
- Нима десанг шу...
Энди тушишга тараддудлангандим,яна чакирди.
Унинг хушруй чехраси шундоккина якин турарди. Юрагим куксимни ёриб чиккудек гурсиллаб,ундан таралаётган ифор хидидан кузим тиниб кетди.
Узимни амаллаб кулга олиб машинадан тушдим. Лекин уша захоти мувозанатни йукотиб,йикилиб тушай дедим. Эдварднинг бахмалдек майин кулгуси эшитилди. Жахл б.н чайкалганча уй томон шошилдим. Уй эшигини очгунимча кутиб туриб,кейин машинасини ут олдирди.
Эшик тараклаганини эшитганини эшитган дадам" Белла,сенми?" деди.
- Ха,дада,менман,-хамон Эдварднинг таъсиридан чиколмай сархуш эдим.
- Эрта кайтибсанми? Яхши бориб келдингми?
-Яхши,-таассуротлар куплигидан кандай иш б.н борганим хам ёдимдан кутарилибди.
- Жуда куп магаЗинларни айландик,роса чарчадим.
- Унда дамингни ола кол,-деди дадам доимгидек гамхурлик б.н.
Хаёлимни бир жойга йигиш кулимдан келмай,ошхонага утиб,роса уймалашдим.
Мени каттик куркитиб,телефон жиринглади. Жессика экан.
- Шунчалик дарров кайтдингми?!-аввалига хайратланди,кейин: - Дарров гапир,нималар булди?-дея сурокка тутди сабри чидамай.
- Яхшиси,эртага тригонометрия дарсида гапириб бера колай,майлими?-хозир у б.н гаплашадиган ахволда эмасдим.
- Бизни даданг эшитиб турибдими?
Мендан ха,деган жавобни олгач,эртагача кутишга рози булиб,хайрлашди.
Шундан кейин хонамга кутарилиб,душга кириб чикдим ва узимни уринга ташладим. Танамни иссик илитиб,бир оз тинчландим. Бугунги вокеалар миямда гир айланиб,ухлагани куймасди. Бир кунда шунча таассурот! Шундай булса-да,бугун уч нарсага аниклик киритдим. Биринчиси-Эдвард-вампир! Иккинчидан,у истаги б.н каттик курашаётган булса-да,мени татиб куришни хохлайди,учинчидан,мен уни телбаларча севиб колганман!Эрталаб уйгониб кеча руй берган вокеаларнинг ростлигига ишонгим келмасди. Осмонни куюк булут ва туман коплаганини куриб хурсанд булдим. Демак,Эдвард укишга боради! Шоша-пиша нонушта килиб мактабга шошилдим. Туман куюклигидан узокни куриб булмасди. Кучамиздаги кумушранг машинани факат якинлашганимдан кейингина сездим ва юрагим кинидан чиккудек гупиллаб кетди. У чаккон харакатлар б.н тезда машинасини айланиб утди-да,йуловчи томон эшигини очди.
- Хохласанг,бирга кетамиз,-деди у куркиб кетганимдан хузурланиб. Лекин овозида ишончсизлик хам бор эди. Демак,танлаш хукукини узимга колдиряпти. Балки ундан воз кечишимни кутгандир. Овора булади!
- Жоним билан,-дедим ва тезда машинасига утирдим. Эгнидаги кумушранг пуловер унга шунчалик ярашгандики,чиройли чехрасига махлиё булиб,коматига карашни унутганимни уйладим.
Кузни тиндирадиган тезликда мактабга етиб келдик. Машина тухтагач,кунглим бироз бехузур булди. Кеча уртамиздаги барча тусиклар кутарилгани б.н бугун узимни кандай тутишни билмасдим. Шу сабаб индамай унинг гап бошлашини кутдим.
- Саволларинг тугадими?-хазиллашди Эдвард.
- Саволларим гашингга тегяпти-ку.
- Аксинча,савол эмас,балки сенинг муносабатинг гашимга тегяпти.
- Нотугри гапиряпманми?
- Аксинча,тугри. Хамма муаммо шунда. Сен хеч нарсадан куркмайсан,бу одамларга хос эмас. Нима хакида уйлаётганингни хам билиб булмайди.
- Доим уйлаганимни гапираман.
- Хаммасини бузиб айтасан. Яъни,мени аклдан айирар даражада,-жилмайиб кушимча килди у.
- Демак,сенга менинг гапиришим ёкмайди!
Эдвард жавоб бермади. У мактабга киргунча гапирмади. Бирдан эсимга тушди:
- Айтгандек,кариндошларинг кани?
- Улар Розалининг машинасида келишди,-шундай дея усти очик кизил кабриолетга ишора килди. - Зур-а,тугрими?
- Вой-бу! -хаяжонланганимдан кичкириб юбордим. - Шундай зур машинаси бор экан,нега сеникида юради?
- Бойликни куз-куз килиш яхшимас. Бошкалардан ажралиб туришни истамаймиз...
- Лекин бу кулларингдан келмайди,-дедим кулиб. - Хуш,нега Розали бугун бошкалардан ажралиб туришга рози булди?
- Узинг билмайсанми? Мен барча такикларни бузяпман-ку.
Биз ёнма-ён йулга тушдик.
- Хамма катори булишни истасанглар,унда бу машиналарнинг нима кераги бор?-кизикдим

мен.
- Шунчаки,хобби. Тез хайдашни яхши курамиз.
- Олифталар!-тунгилладим.
Мактаб остонасида хайратдан огзи очилганча Жессика турарди.
- Хайрли кун,Жессика,-одоб б.н сурашди Эдвард анграйиб турган дугонам б.н. Овози ширин булса,айб ундами?
- Салом,-довдиради дугонам Эдварднинг чиройи таъсиридан чиколмай. -
Майли,Белла,дарсда учрашамиз,-деди у ва шошиб хонага кириб кетди.
- Унга нима дейсан? Сени каттик сурок килишга тайёрланяпти,-кулди Эдвард Жессиканинг фикрини укиганига ишора к.илиб.
-Нима деб жавоб берсам экан,фикрини титкилаб кур-чи,нималарни билишни истаяпти?
-Доимий учрашувларга чикяпмизми,менга муносабатинг кандай...уни шунга ухшаш нарсалар кизиктиряпти.
У биринчи марта менинг
олдимда кобилиятини ошкор намойиш этаётганди.
- Яхши,хуш унга нима деб жавоб берай?-дедим кувончимни сездирмасликка уриниб.
Ёнгинамиздан утиб-кайтаётган укувчилар бизга хайрон булиб карашар,мен эса узимни уларга эътибор бермаётгандек тутардим. Эдвард менга мехр б.н тикилиб турди-да,шамолда хилпираётган сочимни тутиб кулогим оркасига утказиб куйди. Юрагим тухтаб колай деди.
- Биринчи саволга ха,деб жавоб бер. Агар узинг рози булсанг,албатта.
- Каршимасман!
- Иккинчи саволга эса... Бу саволга жавоб узимни хам кизиктиради,-жилмайди у.
Шу жилмайиши учун жонимни беришга хам тайёрман! Хаяжонланиб,жавоб беришга улгурмасимдан " тушликда учрашгунча" деди ва угирилиб кетворди.
Жахлим чикканидан кизариб синфга караб югурдим. Ёлгончи,мени довдиратиб куйиб,кочиб кетишини-чи!Синфга кириб партага сумкамни ташладим. Ёнимга югуриб келган Майк Жессика хакида суриштира бошлади. Жессика душанба кунини интизорлик б.н кутаётганини эшитгач,кувончи ичига сигмай кетди. Дарс хам бошланди. Мен Жессикага айтадиган гапларимни уйлаб асабийлашардим. Айникса,охирги саволга нима деб жавоб беришни билмасдим. Эдвард Жессиканинг фикрини албатта укийди! Унинг бу хислати менга куп нокулайлик тугдиради,шекилли,факат хаётимни саклаб колишини хисобга олмаганда!
Эдвард хак булиб чикди. Тригонометрия дарсига киришим б.н сабрсизлик б.н кутиб турган Жессика югуриб пешвоз чикди.
- Хаммасини бир бошидан гапир,тезрок!- талаб килди у ичи кизиётганини яшириб утирмай.
- Нимани гапирай?
- Кеча кечкурун нималар булди?
- Эдвард б.н бирга овкатландик,кейин уйимга олиб бориб куйди.
Жавобим дугонамни кониктирмади,у батафсил гапиришимни хохларди.
- Кандай килиб мунча тез кайтдинглар?
- У худди аклдан озгандек хайдар экан! Куркканимдан улай дедим.
- Ресторанда учрашишни олдиндан келишиб олганмидинглар?
- Йук. Эдвард Порт-Анжелесдалигидан хабарим хам йук эди.
- Бугун хам мактабга узи олиб келдими?
- Ха,бугун хам тасодифан учрашдик.
- Яна учрашасизларми?
- Менимча учрашамиз.
- Койил! Сен ва Эдвард Каллен! Сира ишонгим келмайди
Мен индамай елка кисдим.
- Шошма! -хаяжонланиб кичкириб юборди у. - У сени упдими?
- Йуг-эй,- Эдвард эшитиб турганини эслаб кизариб кетдим.- Нималар деяпсан...
Жессиканинг хафсаласи пир булди.
- Балки энди... Майли,куявер,нималар хакида гаплашдинглар? Илтимос,батафсилрок гапир.
Шундан кейин унга ресторандаги киз хакида гапириб беришга мажбур булдим.
- Демак,унга ёкаркансан. Чиройли официант кизга эътибор бермаганини бошка кандай изохлаш мумкин?
- Билмадим,аник бир нарса дея олмайман. У доим сирли,- дедим хурсиниб.
- У б.н ёлгиз колишга куркмайсанми?
- Нега куркишим керак?
- Шунчаки,айтдим-да. У жудаям чиройли,шахсан мен унинг ёнида узимни нокулай хис киламан.
- Менда хам шунака булади.
- Унга муносабатинг канака? Ёкадими узи сенга?
Мана нихоят кизик жойига келдик.
- Ха,-дедим секингина.
Лекин ундан кутулиш осон эмасди. У кайта-кайта ростдан хам ёкадими,деб сурарди.
- Жуда ёктираман. У мени яхши кургандан хам купрок...Афсуски,шундай,-жавоб бера туриб кизариб кетдим.
Шу махал укитувчи Жессикани саволга тутди ва мен сурокдан кутулдим.
Дарсга кунгирок булгач,Жессикага сени Майк суради,дедим,бундан боши кукка етган

дугонам колган дарсларни Майкнинг нима дегани-ю,гапирганда юз тузилиши канака булганини батафсил мухокама килишга багишлади. Тушлик вакти булгач,кувониб нарсаларимни йигиштириб ташкарига югурдим.
- Биз б.н бирга овкатланмасанг керак,-деди мендаги узгаришни сезган дугонам.
-Билмадим,-дедим ,чунки Эдвард каёккадир йуколиб кетиши хам мумкин эди.
Лекин Эдвард юнон хайкалларига ухшаб йулакда котиб кутиб турарди.
У бизнинг сухбатимизни эшитганига шубха килмасам хам булади.
Биргаликда ошхонага кириб келдик. Мактабга биринчи келган кунимдаги холат такрорланди,хамманинг эътибори менга каратилган.
Нима хакида гапиришни билмай иккиланиб турибман,Эдвард хам жим,кулай пайт пойлаяпти шекилли. Хамманинг нигохи остида ошхонага хам етиб келдик. Эдвард жимгина навбатга турди,у хар замонда менга уйчан нигох ташлаб куярди. Унинг нигохи борган сари тундлашиб борар,мен эса асабийлашганимдан курткамнинг тугмасини уйнардим.
- Нима киляпсан?-шошиб сурадим патнисни овкатга тулдириб ташлаганини куриб. - Бунинг хаммасини ким ейди?
У жавоб бермай кассага йул олди ва " ярми менга" деди. Кулгим келди. Кейин иккаламиз бутун мактаб таъкиби остида бир пайтлар бирга утирган столимиз томон юрдик. Каллен мактабдошларимизнинг нигохини сезмаётгандек тугрига караб борарди.
- Хохлаган нарсангни танлашинг мумкин,-деди у илтифот б.н патнисни мен томон сураркан.
- Кизик,-дедим мен катта олмани оларканман. - Оддий овкат ейишга сизларни мажбур килса,нима буларкан?
- Сенга хамма нарса кизик?!-деди у жахл б.н,кейин итоаткорона пицца булагини олиб иштаха б.н ейишга тушди. Хайратдан котиб колдим.
- Узингни тупрок ейишга мажбур к.илишса нима буларкан?
- Бир марта гаров уйнаб еб курганман,-кулиб тан олдим. - Таъми унчалик ёмон эмас.
- Бунга шубхам йук,-жилмайди Эдвард менинг хеч нимадан кайтмаслигимга ишора килиб. Кейин елкам оша караб деди: - Жессика бизни кизикиб кузатяпти. Янги терговга тайёр тур. Шундай дея яна унинг чехраси тундлашди. Булажак сухбат осон кечмаслигини уйлаб хавотирландим.
- Демак,официант киз чиройликкина эди,шундайми?- суради бепарволик б.н.
- Узингни эътибор бермаганга солма.
- Ростдан хам эътибор берганим йук. Ундан мухимрок ташвишларим бор эди.
- Шурлик киз,-дедим у кизга карамаганини тан олгач,олижаноблигим кузиб.
- Жессикага айтган гапларинг менга ёкмади,-тунгиллади у киприклари остидан муралаб.
- Яхши бупти! Бировларнинг гапини пойлайдиганларни нима дейишади,биласанми?-жахлим чикди менинг хам.
- Эшитаман деб огохлантиргандим-ку!
- Мен эса гапимни эшитишингни истамайман деб огохлантиргандим!
- Тугри. Фикрингни укишнинг бошка йули булмаса нима килай? Факат баъзи нарсалар ёкмади.
- Ростданми?-дедим истехзо б.н.
- Майли,энди мухиммас.
- Унда нима мухим?-узим билмаган холда унга якинлашиб борардим. Бирдан одам тула ошхонадалигим эсимга тушиб узимни ортга ташладим.
- Сенингча мен сени сен мени яхши курганингдан камрок яхши кураманми?-шивирлади Эдвард тилларанг кузлари б.н жонимни буровга олиб.
Сехрли кузлар асирига айланиб нафас олишни хам унутдим.
- Саволимга жавоб берасанми?-деб сурагач,узимга келдим.
- Ха...
- Нима,ха? Ростдан хам шундай деб уйлайсанми?
- Ха,ростдан хам шундай деб уйлайман,-дедим унга карашдан куркиб.
- Нотугри уйлабсан,-деди у мулойимлик б.н. У бироз жахлдан тушганди.
- Каердан биласан?- юрагим каттикрок ура бошлади. Унинг гаплари рост булишини жуда-жуда истардим.
- Нега менга ишонмайсан?- йулбарс кузлар жавобни юрагим тубидан укиб олмокчи булгандек каттик тикилди.
Менинг жавобсиз турганимдан жахли чик,ишини билсам-да,фикримни бир жойга йига олмасдим.

3-qism tugadi

Telegram kanalimizga a'zo bo'lishni unutmang!

» Muzmega.net - Eng qiziqarlilari

**Просмотров:** 2770
**Дата релиза:** 17.10.2017 23:09
» Qarindoshlar (Insent)
В библиотеку

«BOSH SAXIFAGA QAYTISH


Виаграсиз ҚЎТОҚНИ ТУРГИЗИШ учун сикишишгача 9 грамм … еб ол


Тез тугатиб қўйябсанми? 1 ТОМЧИ ва эрим мени қаторасига 4 соат СИКЯБДИ!


УНИ сикишни ва 3 соат тугатмасликни хохлайсанми? Халқ усулини ўқи ...

Статистика

Онлайн всего: **85**
Гостей: **85**
Пользователей: **0**

© muaxxx.ru 2016-2018

uCoz 22 772 975
Web-Services